# ЎЙИНГОҲ




• *Соғлом танда—соғ ақл*

# ЮГУРАЁТГАН КИШИ

ЯШИЛ майдон айланасидаги йўлакчаларда югураётганлар орасида кексаларни кўриб ҳавас қиласиз. Чопавериб чарчашмайди. Албатта шуларнинг бири билан суҳбатлашишни дилимга тугиб қўйдим...

Фёдор Александрович Серпухиннинг «Кентавр» ҳаваскор югурувчилар клубига келганига ҳам 20 йилга яқинлашиб қолган экан. Югуриш билан азалдан машқ қилиб келаётганлар клубда кўпчиликни ташкил қилади. Машғулот вақтлари, маршрутлар аниқ белгилаб қўйилган.

Суҳбатдошим шу йилнинг 1 январида 60 ёшга тўлибди. Уни кўрган киши ҳеч ҳам олтмишни қоралаган деб ўйламайди. Ҳали тетиклигидан анча ёш кўринади.

— Югуришнинг сири кўп экан,— дейди Фёдор Александрович,— 1958 йили Донецкда нонвой бўлиб ишлардим, кутилмаганда қаттиқ жароҳатландим. Дўхтирлар ҳаётимни сақлаб қолишди. «Жисмоний тарбия билан шуғулланмасангиз бўлмайди, акс ҳолда жароҳатнинг тузалиши чўзилиб кетади»,— деган жавобни олдим. Олдинлари копток тепаётган тенгдошларимни кўриб ҳавасим келарди. Қанийди, мен ҳам уларга қўшилиб ўйнасам. Аста-секин гимнастика билан шуғуллана бошладим. Ўйингоҳ инструкторининг қилган ёрдамларини (афсуски исми-шарифи ёдимда йўқ) ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Югуриш билан шуғулландим. Одам бирор нарсани аҳд қилса бажармасдан қўймайди. Жисмоний тайёргарликка эга бўлгач, узоқ масофаларга югуриб ноҳия миқёсидаги мусобақаларда қатнаша бошладим. Худди шу йили 1500 метрлик масофани биринчи бўлиб 4 минуту 13 секундда босиб ўтиб вилоят енгил атлетика мусобақасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдим.

1962 йилда Украина жумҳурияти «Авангард» спорт жамияти вакили сифатида қатнашиб, илк бор Тошкентга келгандим. 1966 йилдан эса шу ердаман. «Старт» ўйингоҳида ишлаб «Меҳнат резервлари» жамиятининг шарафини ҳимоя қилдим. Марафонга югуриш мусобақаларида қатнашиб фахрли ўринларни эгаллаганман. 1972 йилда катта спорт билан хайрлашдим. 40 ёшда албатта юқори кўрсаткичларга эришиш қийин.

**— Шунча йирик мусобақаларда қатнашиб нуфузли ўринларни эгаллаган бўлишингизга қарамай бор-йўғи СССР спорт мастерлигига номзод экансиз...**

— Эҳ, бунинг сабабларини айтаверсам гап кўпайиб кетади. Ҳамма вақт ҳам спортчининг меҳнатини тўғри баҳолай билмайдилар. Буни мен ўзим қатор-қатор нишонлар олмаганим учун айтаётганим йўқ. Бошқа хоҳлаган спортчидан мисоллар келтиришим мумкин. Лекин нима фойда, карвон ўтиб кетди.

Москва Олимпиадасига Тошкентдан Москвага югуриб, Ленин номли ўйингоҳга кириб бормоқчи бўлган эдим. Лекин рухсат олмадим. Алам қилар экан. Тошкентдан Бухорога югуришни мақсад қилиб Ўзбекистон Ленин комсомоли Марказий Қўмитасида котиб бўлиб ишлаётган Мусихиннинг олдига ёрдам сўраб кирдим. Ўзингиз биласиз бундай пайтда ҳомийларгина спортчини қўллаб-қувватлай олишади. Улар илтимосимни ерда қолдиришмади. Мен 600 километрлик Тошкент—Бухоро маршрутини босқичма-босқич (ҳар бир босқич 100 км) забт этдим.

**— «Кентавр» клуби аъзолари бир кунда ўртача неча километрга югурадилар?**

— Маршрутларимиз ҳар якшанба куни клубимизда бошланади. («Кентавр» клуби Беш-ёғочда жойлашган) Югурадиган маршрутимиз Халқлар Дўстлиги —Цирк— Собир Раҳимов метро бекати — «Самарқанд» автовокзали — Шота Руставели — Навоий кўчаси — Пахтакор — Халқлар Дўстлиги майдони. Бу айланма масофанинг узунлиги 22 километр.

Ёз кунлари ўзим мустақил Чирчиққа «сайр»га чиқиб турсам, қишда истироҳат боғлари, ўйингоҳларда югураман. Инсон зоти борки, орзу-умид билан яшайди. Битта нарсани орзу қиляпман. Имконият бўлса, аниқроғи қўллаб-қувватлашса Москвага югуриб бориб 1992 йилги Барселона Олимпиадасида (спортчи бўлиб эмас) қатнашиб фахрий спортчилар билан танишсам деймаи.

**— Сиз бир неча бор Москвадаги марофонга югуриш мусобақаларининг қатнашчисисиз. Йўл харажатлари, овқатланишга пул дегандай...**

— Агар бу масалаларда «Узбекхлопкомаш» ёрдам бермаганда мен ўз мақсадларимга ҳеч қачон эриша олмасдим. Шу бирлашма раҳбарларидан бир умр миннатдорман.

**— Сизга ҳомийлик қилишдан «Узбекхлопкомаш» қандай наф кўради?**

— Мен шу корхонани реклама қилувчи оқ, сариқ, қизил кийимларда майдонга чиқаман.

Мен Фёдор Александрович билан узоқ вақт суҳбатлашиб ўтирдим. Суҳбатимизнинг тарихи ҳам ўзгача. У белгиланган вақтдан кечикди. Кеча учрашув жойини аниқ белгилаб олгандик-ку? Нима бўлди экан? Ниҳоят унинг қораси кўринди. Югуриб келаяпти. Яна қаердан денг, «Ёрқин» даҳасидан Инқилоб хиёбонигача. Айтишга осон.

Баъзилар ўйлаши мумкин. Тоза тентак одам экан-да, деб. Ҳато қилишади. Югуриш инсон саломатлигини мустаҳкамловчи энг осон, фойдали ва қулай усулдир. Махсус тайёргарлик ҳам талаб қилинмайди. Хуллас, сизга маслаҳатим югуринг, кам бўлмайсиз.

**М. АБДУЛЛАЕВ.**

# СОВРИН ЭГАСИНИ КУТМОҚДА

• *Билимдонлигингизни синанг*

«ЎЙИНГОҲ» саҳифаси рўзнома юзини кўргандан сўнг муштарийлардан жуда кўплаб мактублар олдик. Улар, жумладан, саҳифа ўз вақтида чиққанлиги, у орқали спорт оламидаги барча янгиликлардан хабардор бўлаолишларига умид қилишаётганлигини таъкидлашади. Саҳифадан жой олган «Билимдонлигингизни синанг» рукни, айниқса, спорт мухлисларида катта қизиқиш уйғотган. Шу кунларда бўлимимиз томонидан олинаётган хатларнинг учдан иккисини ана шу рукн орқали эълон қилинган дастлабки икки топишмоққа берилган жавоблар ташкил қилади.

Мавсум давомида фаол қатнашган ва топишмоқларга тўғри жавоб йўллаб энг кўп очко жамғарган муштарийларни йил охирида муҳарририятимизга таклиф этамиз ва «Пахтакор» командасининг етакчи ўйинчилари команда дастхати туширилган тўп ва бошқа қимматбаҳо совғаларни уларга топширишади.

Лекин асосий мақсад, «Ўйингоҳ»нинг биринчи сонида айтилганидек, ишқибозларга футбол қонун-қоидаларини тушунтириб боришдир. Шу жиҳатдан олиб қараганда, биз кутмаган муштарийлар ҳам бу йўлдаги қадамимизни қўллаб-қувватлаши илҳомимизни янада жўш урдириб юборди. Ана шундай мактубларга мурожаат қиламиз: **«Мен, Анора Жуматова, пойтахтнинг Собир Раҳимов районида истиқомат қиламан. Саломатлигим сабабли Хоразмдан бу ерга кўчиб келганман. Бироқ қўлимда қўш диплом, бўлишига қарамай, прописка масаласида қийналиб иш топа олмаяпман. 4 ўғил, 3 қизим бор. Қийналиб кетган пайтларим яхши кишиларга суянаман, қизиққан нарсаларим билан овунаман. «Тошкент ҳақиқати»нинг 8 март сонида эълон қилинган «Ўйингоҳ» саҳифаси мен учун катта совға бўлди. Ундаги топишмоққа билганимча жавоб йўллаяпман...»**

45 ёшли бу онанинг ҳеч бўлмаса спорт томонидан дилига малҳам бўла олганимиздан биз ҳам беҳад хурсандмиз. Мана бу икки хат бошқа вилоятлардан келган бўлса ҳам мазмун жиҳатдан бир-бирига ўхшаб кетади. **«Хотин-қизлар байрами арафасида Тошкентга борган эдим. Қайтаётиб вокзалдан бир қатор рўзномалар қатори «Тошкент ҳақиқати» сотиб олдим. Унинг 4-бетида эълон қилинган «Ўйингоҳ» саҳифаси купедаги йўловчиларнинг баҳс-мунозараларига сабаб бўлди. Биз ҳаммамиз топишмоққа жавоб ёздик. Бироқ рўзноманинг қолган сонларини қай даражада топишга ҳайронмиз. Ҳеч бўлмаса бир ойда бир марта — «Ўйингоҳ» чиққан сондан бизга жўнатсангиз, Шавкат Қўчқоров, Қашқадарё вилояти, Яккабоғ район «Қизил Ўзбекистон» жамоа хўжалиги».**

«Ўйингоҳ»га қизиқиб шу орқали «Тошкент ҳақиқати»га обуна бўлмоқчилигини бизга Фарғона вилояти, Ўзбекистон район, «Норсух» қишлоқ шўроси, «Катта тагоб» қишлоғилик Иқболжон Эркабоев ҳам ёзади. Шу ва шунга ўхшаган мазмундаги бошқа вилоятлардан келаётган мактублар бизни жуда тўлқинлантиради. Бироқ, афсуски, рўзномамиз ҳали республика мақомини олмаганлиги сабабли, ҳозирча бошқа вилоятдагилар унга обуна бўла олишмайди. Лекин бу ҳақдаги зарур ҳужжатлар тегишли ташкилотларга топширилган ва масала ижобий ҳал қилинадиган бўлса, бундан бизнинг ҳам бошимиз кўкка етарди.

Миннатдорчилик мактубларини, шунингдек республика маданият вазирлигига қарашли бинолардан фойдаланиш бошқармаси бош ҳисобчиси Муҳиддин Неъматов, Авиасозлар маданият саройи, «Само» дастаси мусиқа раҳбари Абдуқодир Саидорипов, Бекобод шаҳри 12-микрорайон 65-уйда истиқомат қилувчи Наргиза Маърупова, Низомий номли ТДПОИ IV курс толиби Маъруф Ботиров ва бошқа ўнлаб муштарийлардан ҳам олдик ва ўз навбатида биз ҳам уларга миннатдорчилик туйғусини изҳор этамиз.

**«Очень, очень нужная рубрика. Она несомненно внесёт «качественный эшелон» в наш отечественный футбол».** Очиғи, бошида бу мактубни ўқиб бизга эканлигига шубҳа билдирдик. Фақат хат мазмуни билан тўлиқ танишганимиздан сўнг рус тилида сўзловчилар ҳам «Ўйингоҳ»га қизиқишларини кўриб беҳад хурсанд бўлдик. Пискентлик Анатолий Нажмутдиновнинг манзилгоҳи эса қуйидагича экан: 702607 а/п 82.

Бизни ранжитган мактублар ҳам бўлди. Жумладан, пискентлик Т. Хасанбоев шундай ёзади: **«Ўйингоҳ» саҳифасида иккита карикатура берилиб, яхши чизилган экан, фақат рассом нима демоқчи бўлганлигини тушунмадим»...**

Энди «Билимдонлигингизни синанг» рукни орқали эълон қилинган дастлабки топишмоқларга қайтамиз.

Аввал топишмоқлардаги саволларни қайтарамиз: **1-топишмоқ.** Боқивой тўпни Соқивойга ошираётган пайтда ҳакам тўпни қўли билан ушлаб олди (тўп пучқайиб қолган эди). У тўғри иш қилдими ёки олдин хуштак чалиши лозиммиди? **2-топишмоқ.** 8-рақамли Ваҳобов тўпни зарб билан тепади. Лекин қийшиқ кетаётган тўп ҳакамнинг бошига тегиб ўз йўналишини ўзгартирди ва дарвоза тўрига бориб тушди. Гол инобатга олинадими?

Иккала топишмоққа тўғри жавоб йўллаганлар жуда озчиликни ташкил этади. Муштарийлар, айниқса, 1-топишмоқда кўп янглишганлар. Уларнинг фикрича, ҳакам тўп майдондан чиқиб кетган тақдирдагина ўйинни тўхтатиб, тўпни алмаштиришни талаб қилиши тўғри бўларди. Бироқ қоидада эса бошқачароқ ёзилган: **«Ҳакам зарур деб топса, учрашувни хоҳлаган пайтда тўхтатиши мумкин. Фақат барча ҳолларда аввал ҳуштак чалиб, сўнг ўйинни тўхтатиши лозим».**

Иккинчи топишмоқда эса **гол инобатга олиниши шарт.**

Демак, иккала топишмоққа тўғри жавоб йўллаб дастлабки икки очкони қўлга киритганларни таништирамиз: А. Субонов, Бекобод район Ойбек номли жамоа хўжалиги, 4-бўлим; Ш. Собиров, Ғалаба район Свердлов номли жамоа хўжалиги, 2-участка; С. Алимқулов, Бўка район Ильич номли жамоа хўжалиги; А. Нажмутдинов, Пискент район, 702607 почта индекси, а/п 82; Б. Султонов, Тошкент шаҳар Октябрь районидаги Усмон Юсупов кўчаси, 95-уй, 3-хонадон ва юқорида биз миннатдорчилик билдирган Хоразмдан келиб Тошкентда яшаётган Анора Жуматовалар, ҳозирча 100 фоиз имкониятга эгалар.

Яна 9 билимдон ҳозирча 1 очкога эга. Лекин ҳали олдинда топишмоқлар кўп. Ғолиб фақат кузга бориб аниқланади. Энди муштарийлар ҳукмига навбатдаги икки топишмоқни ҳавола этамиз.

### 3-ТОПИШМОҚ

КЎКДАЛА ҳужумчиси, 9-рақамли Чориев рақиб ҳимоячиларини бирин-кетин алдаб ўтди, яккама-якка қолган дарвозабонни ҳам айланиб ўтмоқчи бўлди. Шунда кутилмаган ҳол юз берди. «Оқ тепа» дарвозабони Алимов иложсизликдан Чориевни қўлидан ушлаб тўхтатди, ўзига қаратиб қучоқлаб олди ва қўлини қаттиқ сиқиб қўйди. (1-расм). Тўп эса дарвозага етмасдан тўхтаб қолди. Ҳакам ҳуштак чалиб, югуриб воқеа содир бўлган жойга етиб келди. Алимов эса пинагини бузмай жавоб берди: «Ўртоқ ҳакам, бугун Рўзиқул Чориевнинг туғилган куни эди, мен уни табрикладим. Ишонмасангиз, Рўзиқулнинг ўзидан сўранг».

Саросимада қолган Чориев тасдиқ ишорасини қилди.

**Савол: Албатта, дарвозабон табрик учун ноқулай вазиятни танлади. Хўш, унинг рақибига дўстларча эътиборини қай даражада жазолаш мумкин!**

### 4-ТОПИШМОҚ

НАВБАТДАГИ ҳужумларнинг бирида кўкдалаликлар ўз жарима майдонларида ўйин қоидасини бузишди. Ҳакам ҳақли равишда 11 метрлик жарима тўпи белгилади. 5-рақамли Шукуров жарима тўпини тепди. Тўп дарвоза тўсинига тегди ва майдонга қайтиш ўрнига тўсин олдида қолиб кетди. Кучли зарба натижасида унинг дами чиқиб кетган эди. (2-расм). Бир томондан тўп дарвоза тўсинига тегди, демак гол бўлмади. Бошқа томондан эса тўп бўшаб қолмаганда ҳужумчига қайтиб келарди ва иккинчи зарба билан уни киритиш мумкин эди.

**Савол: 11 метрлик жаримани янги тўп билан бошқатдан тепиш мақсадга мувофиқми, агар йўқ бўлса ўйин қандай ва қаердан давом этиши керак!**





• *Жаҳон олқишлаган чақандозлар*

# МАРАДОНА «ЮЛДУЗИ» СЎНДИМИ?



«Диего Марадонанинг шон-шуҳрат томон ажойиб йўли тугади». Кейинги кунларда жаҳондаги барча оммавий ахборот воситалари ана шундай шов-шувли хабар чоп этдилар. Хўш, бутун ер юзидаги футбол ишқибозлари олқишлаган бу моҳир ўйинчига нима бўлди?

Аввало, кўп сонли мухлислар арзандаси — Диего Армандо Марадонанинг шуҳрат чўққиси томон босиб ўтган йўлини бир эслайлик. Бунинг учун унинг қисқача таржимаи ҳолига мурожаат қилиш кифоя: 1960 йилнинг 30 октябрида туғилди. Спортдаги фаолиятини 1969 йилда «Аргентинос Хуниорс» клубида бошлади. 1981—1982 йилларда «Бока Хуниорс» пойтахт командасида, 1982—1984 йилларда Испаниянинг «Барселона»сида ва ниҳоят, 1984 йилдан бошлаб Италиянинг «Наполи» клубида ўйнади. Италия клуби таркибида икки марта (1987 ва 1990 йилларда) мамлакат чемпиони, бир марта кубок соҳиби (1987 йил), УЕФА кубоги совриндори (1989 йил) ва Италиянинг Суперкубоги эгаси (1990 йил) бўлди.

Халқаро майдонда Марадона илк бор 1977 йил кўринди. Ўшанда у Аргентина ўсмирлар терма командаси таркибида ўйнаб, жаҳон чақандози бўлганди.

Марадона уч маротаба (1982, 1986 ва 1990 йилларда) жаҳон биринчиликларида иштирок этди. 1986 йилда жаҳон чақандози бўлди. 1986 йилда дунё бўйича, 1979 ва 1980 йилларда эса Жанубий Америкада энг яхши футболчи деб тан олинган.

Уйланган, уч фарзанди бор. Тўп ўйинининг ана шундай моҳир устаси номи нима учун бугунга келиб рўзномалар саҳифаларидан тушмай қолди? Аслида Марадона ўзининг охирги ўйинларида ҳаммани лол қолдирадиган, қойилмақом голлар урмай қўйган эди. Қолаверса, у футбол майдонларидан кўра кўпроқ прокуратура хоналарида пайдо бўла бошлади...

17 март куни «Наполи» ва «Бари» командалари ўртасида Италия чемпионатининг навбатдаги ўйини ниҳоясига етгач (унда Диего рақиб дарвозасига боши билан ягона тўп киритганди), допинг текширувида ўйинчи рағбатлантирувчи ашё истеъмол қилган деган фикрга келинди. 22 март, жума куни Римда ўтказилган қайта текширув Марадона ўйиндан 18—30 соат муқаддам чиндан ҳам кокаин ёки бошқа бирор метаболик истеъмол қилганини тасдиқлади.

Комиссия қароридан кейин, якшанба куни Диегонинг оиласи — рафиқаси Клаудия Вилланес, икки қизи, қайнонаси Буэнос-Айресга жўнаб кетишди. Икки кун ўтгач, собиқ жаҳон чақандозининг ўзи ҳам команда билан хайр-маъзурни насия қилиб, шом қоронғусида ўз менеджери билан Неаполни тарк этди. У ўз мухлисларига алам билан битилган икки энлик хат қолдирди, холос.

Италияда ўтказган етти йиллик умри давомида Марадона ўз командасига ажойиб муваффақиятлар бахш этиш билан бир қаторда, бир талай жанжалларга ҳам сабабчи бўлди. Улардан биринчиси Синагр хоним билан муҳаббат можаросидан бошланган эди. Ўшанда Диего бу аёлнинг фарзанди ўз пушти камаридан бўлганини инкор этган ва бу борадаги текширувлардан бўйин товлаган эди. Можаро ҳамон давом этмоқда. Кейинги жиддий зиддият «Наполи» клуби билан боғлиқ эди. Битимга кўра 1987 йил декабридан 1990 йилгача майда-чуйда ҳаражатлардан ташқари ўйинчига нақд 11 миллион доллар тўлаган бу клуб Марадона ўз шартномавий мажбуриятларини бажармаяпти, деб даъво қилди. Футболчининг маоши 40 фоиз қирқилди.

Яқиндагина юз берган яна бир жанжал Диегонинг хилват муассасаларда маҳаллий мафия раҳнамолари уюштирган зиёфатлардаги иштироки билан боғлиқ бўлди. Бу дилгуфторликларда машҳур ўйинчи билан улфатчилик қилган кўп сонли мухлисаларнинг таъкидлашича, у мазкур ўтиришларда кокаин истеъмол қилган. Навбатдаги ушбу шов-шув атрофидаги эҳтирослар эндигина барҳам топаётган бир пайтда маълум бўлган ўйиндан кейинги текширув хулосаси ҳамма нарсага якун ясади.

Италия футбол федерациясининг интизом қўмитаси аргентиналик бу машҳур ўйинчини 1992 йил 30 июнгача ўйинлардан четлатиш ҳақида қарор қабул қилди. Матбуот хабарларига кўра ФИФА ҳам мазкур жазо чорасини қўллаб-қувватламоқда. Шундай қилиб, Марадона 15 ой давомида нафақат Италияда, балки бутун жаҳон миқёсида бирорта ҳам расмий ўйинда иштирок этолмайди. «Наполи» билан шартнома муддати 1993 йилдагина тугаши кераклигига қарамай, Марадона энди ҳеч қачон Италияда ўйнамаслигини эълон қилди.

Жаҳон футболи учун Марадона «юлдузи» сўнгган-сўнмаганлиги ҳақида фикр юритишга ҳали эрта, албатта. Аммо, усиз «Наполи» анча қийналиб қолгани яққол кўриниб турибди. Команда ўз ҳужумларининг бош илҳомчиси етишмаётганини ҳис қилгандек Марадона қатнашмаган дастлабки ўйиндаёқ — Италия кубогининг ярим финал учрашувида ютқазиб қўйди...

## СПОРТ ХАНДАЛАР СПОРТ

**САБАБ**

— Нима қилиб қўйдинг? Ахир, ўз дарвозангга тўп киритдинг-ку!..

— Ўзимни тутиб туролмадим. Вазият жуда ҳам қулай эди-да...

**ТАКЛИФ**

— Шундай машҳур боксчини қандай қилиб бир зарбада қулата олдинг?

— Хоҳласанг, кўрсатиб бераман...

**БАРДОШ**

— Эшмат сувга шўнғиш бўйича биринчиликни олди.

— Ахир, у сузишни билмасди-ку!?

— Ҳамма гап шунда-да. То қутқарувчилар тушмагунча сув остидан чиқмади...

**САРТАРОШХОНАДА**

— Нима учун ҳар гал сочимни олаётганда рақибимнинг қанчалар кучлилиги ҳақида гапирасиз?

— Чунки, буни тинглаётганда, сочингиз доим тик туради, уни олишим осонлашади.

• *Диққат янги рукн:*

# МАЪЛУМОТИНГИЗ УЧУН

**Спорт билан шуғулланишга тарғибот этиш гўё ортиқчадек туюлади. Шундоқ ҳам ҳамма билади, чекиш соғлиқ учун зарарли ва аксинча, спорт саломатлик гарови эканлигини. Шундай бўлса ҳам спорт билан шуғулланиш кишилар учун қандай аҳамият касб этиши, у баъзилар учун тақдирга узвий боғланиб кетганлиги ҳақида фактлар келтириб ўтиш бизнинг бурчимиздир. Зеро ҳеч ким она қорнидан спортчи бўлиб туғилмайди.**

**Авваллари оммавий спорт учун кенг тарғиб қилинарди. Кейинчалик, спорт орқали дурустгина оила тебратиш мумкинлиги исботланди. Ҳозир аҳолининг кўпчилиги ўзини «ўққа-чўғга» уриб ойига 200—500 сўм пул топаётган пайтда, жаҳоннинг кўзга кўринган шахмат, теннис ва футболчиларининг йиллик даромадлари 7 хонали сонга яқинлашади.**

**«Маълумотингиз учун» рукнида биз спорт кишиларга нима бераётгани ҳақида доимий ахборотлар бериб борамиз.**

**БАРДОШ ВА ИРОДА**

НЕГР спортчиси Вильма Рудольф ёшлигида полиомиелит касалига учраб узоқ вақт ётиб қолган. Спорт унга фақат ана шу даҳшатли ҳафталик оқибатларидан қутилишгагина эмас, балки жаҳонда энг кучли спортчи бўлиб қолишига ҳам ёрдам берди. 1960 йилда Римда бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларида бу «қора оҳу» югуриш бўйича учта олтин медаль олишга муваффақ бўлди.

КАРПАТ тоғларида ўтказилган машқлар пайтида совет спортчиси Игорь Тер-Ованесян оғир жароҳатланди. 21 ёшли бу спортчини оғир аҳволда касалхонага олиб келишди. Шифокорлар у спортни умрбод унутиши керак, деган қатъий қарорга келдилар.

Ана ўшанда Игорнинг кундалик дафтарида шундай ёзувлар пайдо бўлди: «Жисмоний машқларнинг мўъжизали кучига умримнинг то охиригача ишонаман. 100, 200, 500 марталаб такрорлайвераман, аммо оёғим яна бақувват бўлиб кетиши керак».

Шундай бўлди ҳам. Ирода, бардош ва сабот-матонат енгиб чиқди. Узунликка сакровчи Игорь Тер-Ованесян совет спорти шарафини яна талай мусобақаларда ишонч билан ҳимоя қилди.

**С. ОДИЛОВА** тайёрлаган.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

Тошкент ҳақиқати
(«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353, масъул котиб ўринбосарлари — 325750, бўлимлар: мафкура, ёшлар ҳаёти ва ахборот — 325778, 325645, 337010, Қишлоқ хўжалиги — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий Кенгашлар ҳаёти — 325733, ижтимоий масалалар — 325556; маданият — 325767, адабиёт ва санъат — 325553; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354, жамоатчи кенгаш қабул хонаси — 33-40-48, 325354, эълонлар бўлими —325727.

Буюртма — 5217. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс: 64672. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12